



Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари. -2020. -№ 1(1).

ISSN: 2181-1342 (Online)

<https://scienceproblems.uz>

Тарих фанлари

“ТАЪВИЛОТ АЛ-ҚУРЪОН” АСАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Муҳаммадиев Усмонхон Боқибиллоевич

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

РУКОПИСИ “ТАЪВИЛАТ АЛ-КОРАНА”

Муҳаммадиев Усмонхон Боқибиллаевич

Научный сотрудник Международного научно-исследовательского центра Имама Бухари

MANUSCRIPTS OF “TAWILAT AL-QUR'AN”

Mukhammadiyev Usmonkhon Boqibillayevich

Scientific Fellow of the Imam Bukhari International Scientific Research Center

Тел: 99.526-06-25. (telegram): 93.349-39-25

e-mail: usmonmukhammad@mail.ru

Иқтибос келтириш учун / For citation / Для цитирования:

Муҳаммадиев У.Б. “Таъвилот ал-Қуръон” асари қўлёзмалари // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. – 2020. – № 1(1). – Б. 5–14. <https://doi.org/10.47390/A1342112020N1>

Аннотация: Ушбу мақолада Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари қўлёзмалари ҳақида маълумот берилган. Қўлёзмаларнинг сони, қаерда сақланаётгани, қўчирилган йили ва котиблари, уларнинг ичидаги энг қадимийлари борасида сўз юритилган. Улардан нечтаси тўлиқ, нечтаси тўлиқ эмаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Мақола сўнгида ушбу қўлёзмаларнинг бугунги кунда мотуридийлик таълимотидаги ўрганишдаги аҳмияти ёритилган.

Калит сўзлар: Таъвилот, Қуръон, Мотуридий, қўлёзма, котиб, фонд, кутубхона, ҳижрий.

Аннотация: В этой статье представлена информация о рукописях “Тавилат аль-Корана” имама Мотуриди. Упомянутся количество рукописей, в которых они хранятся, год их копирования и их писцы, а также самый старый из них. Некоторые из них полные, а

некоторые неполные. В конце статьи подчеркивается важность этих рукописей в изучении доктрины мотуридизма сегодня.

Ключевые слова: Таъвилат, Коран, Мотуриди, рукопись, писцы, фонд, библиотека, хиджры.

Abstract: This article provides information about the “Tawilat al-Qur'an” manuscripts by Imam Moturidi. The number of manuscripts in which they are kept, the year of their copying and their scribes, as well as the oldest one are mentioned. Some of them are complete and some are incomplete. At the end of the article, the importance of these manuscripts in the study of the doctrine of moturidism today is emphasized.

Key words: Ta'vilat, Koran, Moturidi, manuscript, scribes, fund, library, hijri.

DOI: 10.47390/A1342112020N1

Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари асрлар оша мукамал тарзда етиб келган. Мотуридий таълимотини асословчи бу асарга Ислом уммати томонидан юксак эҳтиром кўрсатилиб, келажак авлодларга етиб боришини таъминлаш мақсадида ундан кўплаб қўлёзмалар кўчирилган.

“Таъвилот ал-Қуръон” асари мотуридийлик таълимоти асосидир. Имом Мотуридий бу асарни ҳанафийлик мазҳабига кўра таълиф этган ва Аҳли сунна вал жамоа мазҳабини қўллаб-қувватлаган. Асарда мўътазила, хавориж, рофиза, карромий, жаҳмий, мушаббиха, мунажжим, фолбин ва бошқаларнинг фикрлари муноқаша қилинган ва барчасига раддия берилган.

Ҳожи Халифа ўзининг “Кашфуз-зунун” асарида “Таъвийлот ал-Қуръон” ҳақида қуйидагиларни ёзади: “У бирор китоб тенг кела олмайдиган китобдир. Балки бу фан бўйича ёзилган китобларнинг бирортаси унга яқин ҳам кела олмайди”.

Имом Кафавий Имом Мотуридийга “Мусулмонлар ақидасини тўғриловчи”, “Диннинг ёрдамчиси” деб таъриф берар экан, “Таъвийлот ал-Қуръон” асарига ишора қилиб: “У шундай буюк китобки, унда ботил ақида эгаларига раддиялар берилган”, деган.

Имом Кавсарий ҳам Имом Мотуридийнинг асарлари ҳақида фикр юритиб туриб: “У аҳли сунна вал жамоа ақидаси масалаларини чуқур ўрганди, далилларининг ич-ичига кириб борди. Унинг асарларидан барча бир вақтнинг ўзида ҳам ақлий ҳам нақлий жиҳатдан рози бўлди”, деб ёзиб қолдирган[1.91].

Дарҳақиқат, “Таъвийлот ал-Қуръон” асари барча замонларда уламолар томонидан эъзозлаб келинган. Соф ислом ақидасини сақлаш, ботил эътиқодларга қарши курашишда ушбу асар ҳамisha бирламчи манба бўлган. Айниқса, милодий X-XI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда мўтазилийлар таъсирини қирқиш ва

бу ботил фирка фаолиятини тўхтатиш, диёримизда эътиқодий таназзул юз беришининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этган.

Асарнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида шуни таъкидлаш лозимки, ақидавий зиддиятлар жамиятнинг таназзулга юз тутишига олиб келувчи энг бирламчи омилдир. Ғаразли кучлар томонидан ўз мақсадлари йўлида эркин ҳаракат қилишлари учун фойдаланадиган воситаларидан бири халқлар, миллатлар орасига эътиқодий қарама-қаршилик солиб қўйишдан иборат.

Бугунги кунда ана шундай бўлиниш, миллатлар орасини бузиб юбориш сингари ишларнинг энг асосийси экстремизм кўринишида намоён бўлмоқда. Ислом дини ниқоби остида “жиҳод”, “ҳижрат”, “такфир”, “халифалик” сингари чақириқлар билан ғаразли мақсадни кўзлаган кучлар томонидан миллатлар орасига раҳна солинаяпти. Динга эътиқод қилувчилар бу алдовларга учиб, қўлларига қурол олмоқдалар, бир-бирлари ва тинч аҳоли умрига зомин бўлмоқдалар.

Эътиқодий бирдамликнинг нақадар муҳим эканини англаб етган Имом Мотуридий минг йиллар олдин ёзиб қолдирган “Таъвилот ал-Қуръон” асарида тўғри ақида меъёрларини белгилаб берган ва улар орқали нафақат ислом олами, балки бутун инсониятни ўзаро иттифоқда яшашга чорлаган ва чорлаб келмоқда.

Манбаларда ҳозирги даврда асарнинг 40та қўлёзма нусхаси мавжудлиги ҳақида маълумот берилган. Улар Туркиянинг қатор шаҳарларида, шунингдек Дамашқ, Қоҳира, Берлин ва Лондондаги фондларда сақланади.

Ўзбекистонда унинг иккита қўлёзмаси мавжуд. Юртимиздаги фондлар тўлиқ ўрганилмагани, у ерда сақланаётган қўлёзмалар ҳақидаги маълумотлар очиқланмаганини инобатга олсак, биздаги қўлёзмалар сони бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин.

Мазкур қўлёзмалар ўтган даврлар мобайнида кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб тарих фанлари номзоди Ш.Зиёдов мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган [5].

Араб оламида асар ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб таҳқиқ этила бошлаган. Дастлаб, мисрлик икки олим: Иброҳим Авзин ва Саййид Авзин томонидан таҳқиқ этилган [4.17]. Яна бир тадқиқот 1983 йил Ироқда, доктор Муҳаммад Мустафиз Раҳмоннинг изланишлари асосида нашр қилинган [4.17].

2004 йилда Фотима Юсуф Хоймий [4], 2005 йилда Доктор Маждий Босаллумнинг [5] кўп жилдлик тадқиқотлари дунё юзини кўрган. Туркияда Бакир Тўпол ўғли ҳамда Аҳмад Вонли ўғли ўзларининг тадқиқотларини 2005 йилда 18 жилдда нашр этишган. Шунингдек, асарнинг 17 жилдлик туркча таржимаси ҳам мавжуд [8].

Қуйида бугунги кундаги мавжуд қўлёзмалар ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

Ўзбекистонда сақланаётган нусхалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган № 5126 рақам остидаги қўлёзма. Нусха асарнинг иккинчи жилдидир, умумий ҳажми 258 варақдан иборат [5.38].

Қўлёзмада кўчирувчининг номи келтирилмаган. Ҳижрий 529 йилда (милодий 1134-35 йиллар) кўчирилган мазкур нусха ҳозирги кунда қадар дунёдаги энг қадимий қўлёзма бўлиб турибди [5.38-39].

2. ЎзР ФА ШИда “Таъвилотул Қуръон”нинг яна бир нусхаси №5127 рақам остида сақланади. Насх ёзувида кўчирилган бу нусха 294 варақдан иборат. У жигарранг чарм муқова билан қопланган ва устига ғилоф ишланган. Бундай муқовалаш усули усмонийлар даврига хосдир. Бу нусха “Оли Имрон” ва “Нисо” суралари таъвилини ўз ичига олган [5.40].

Туркияда сақланаётган нусхалар:

3. Сулаймония кутубхонасида № 32/35 рақам остида сақланаётган Ражаб Пошо нусхаси. 896 варақли қўлёзма асарнинг бошида келувчи “Таъвил ва тафсир орасидаги фарқ” мавзусидан бошланиб, Қуръоннинг охиригача бўлган суралар тафсирини қамраб олган. Яъни бу тўлиқ нусха ҳисобланади. Қўлёзмада кўчирувчининг номи ва кўчирилиш санаси қайд этилмаган [5.50].

4. Сулаймония кутубхонасидаги №33/36 рақамли Ражаб Пошо нусхаси. Бу ҳам тўлиқ нусха бўлиб, 728 варақдан иборат, ҳошияларида баъзи битикларни учратиш мумкин. Нусха 1173 ҳижрий йил, 10 шаъбон куни (1760 йил, 28 март) Али ибн Ҳасан Гўзал Ҳисорий томонидан кўчирилган.

5. Сулаймония кутубхонасидаги №34/37 рақамли Ражаб Пошо нусхаси. Жуда кўзал ҳуснихатда ёзилган қўлёзма 714 варақни ташкил этади. “Анъом” сурасининг 8-оятидан бошлаб тушиб қолган 46 сатрни айтмаганда, буни ҳам тўлиқ нусха дейиш мумкин. У Тўпхонали Абдуллоҳ Шаҳрий томонидан 1174 ҳижрий йилда (1760 йил) кўчирилган.

6. Сулаймония кутубхонасида сақланаётган №9 рақамли Ҳожи Башир Оға нусхаси. Бу ҳам тўлиқ нусха бўлиб, котиби ва кўчирилиш санаси ёзилмаган. Муқовасининг нақшлари ва қоғозининг сифатига қараганда нусха 11-ҳижрий асрда кўчирилган бўлиши эҳтимоли бор.

7. Нур Усмания кутубхонасидаги №122 рақамли қўлёзма. 624 варақли тўлиқ нусха 1156 ҳижрий йилда Умар ибн Али томонидан кўчирилган ва Султон Усмон ибн Султон Маҳмуд томонидан вақф қилинган.

8. Нур Усмония кутубхонасидаги №123 рақамли қўлёзма. Бу ҳам тўлиқ нусха бўлиб, 833 варақдан иборат. Қўлёзма 1103 ҳижрий йилда Мустафо ибн Сайид Муҳаммад Аморий томонидан кўчирилган. Бу нусхани ҳам Султон Усмон ибн Султон Маҳмуд вақф қилган.

9. Нур Усмония кутубхонасидаги №98/124 рақамли қўлёзма. 843 варақли ушбу нусхани ҳам деярли тўлиқ нусхалар сафига киритиш мумкин. ундан фақат “Анъом” сурасининг аввалидан икки оят, “Шарҳ” сурасининг аксарият қисми, “Тин” ва “Қалам” суралари тўлиғича, “Қадр” сураси 4-оятининг ярмигача тушиб қолган. Бу нусха ҳам Султон Усмон ибн Султон Маҳмуд томонидан вақф қилинган. Сулаймон ибн Абдуллоҳ Мулло Рандарий томонидан 1114 ҳижрийнинг шаббон ойида (1702 йил, декабр) Истанбулда кўчирилган [2.51].

10. Нур Усмония кутубхонасидаги №99/125 рақамли қўлёзма. Бу 844 варақдан иборат тўлиқ нусхадир. 1165 ҳижрий йил Зулқаъда ойида (1752 йил, сентябр) Котиб Сайид Муҳаммад ибн Сайид Иброҳим Тараблусий томонидан кўчирилган бу нусхани Султон Усмон ибн Султон Маҳмуд вақф қилиб қолдирган.

11. Тўпқопи саройи кутубхонасидаги №182 рақамли қўлёзма. 842 варақдан иборат нусхада “Анъом” сурасининг аввалидан 2 оят, “Шарҳ” сурасидан 2 оят, “Тин” ва “Қалам” суралари тўлиғича, “Қадр” сураси 4-оятининг ярмигача тушиб қолган. Бу нусха ҳам Султон Маҳмуд ибн Султон Мустафонинг вақфларидан биридир Кўчирилишининг бошланиши ва тугашига абжад ҳисоби билан “غقتط” – “غقبس” шаклида ишора қилинган. Бундан унинг 1159-1162 ҳижрий йилларда (1746-1748 йиллар) кўчирилганини билиб олишимиз мумкин.

12. Тўпқопи саройи кутубхонасидаги №180 рақамли қўлёзма. 815 варақли ушбу нусхани, “Анъом” сурасининг аввалидан иккита оят тушиб қолгани инобатга олинмаганда, тўлиқ нусха дея оламиз. Бу ҳам Султон Маҳмуд ибн Султон Мустафо томонидан вақф қилинган. Қўлёзманинг кўчирилган санаси ва котиби кўрсатилмаган [2.52].

13. Сулаймония кутубхонасида №14 рақам остида сақланаётган Мурод Бухорий нусхаси. 336 варақли бу нусха 1124 ҳижрий йилда (1712 йил) истанбуллик Мустафо ибн Шаъбон Қассабода томонидан Истанбулдаги “Фатҳ” масжидида кўчирилган. Ҳошиясида Алоуддин Самарқандийнинг шарҳи [3] битилган [5.51].

14. Сулаймония кутубхонасидаги №10 рақамли Гурулу Али Пошо нусхаси. Нусха икки жилддан иборат бўлиб, умумий 763 варақни ташкил қилади. Мазкур тўлиқ нусха 1117 ҳижрий йил Сафар ойида (1705 йил, июл) котиб Солих ибн Иброҳим томонидан кўчирилган.

15. Сулаймония кутубхонасида №30 рақам остида сақланаётган Ҳамидия нусхаси. 634 варақли бу қўлёзма тўлиқ нусхалардан биридир. Кўчирилган санаси ва котиби кўрсатилмаган. Қўлёзма тахминан XVIII аср иккинчи ярмида, Султон Абдул Аҳмад I (1774-1789) замонида кўчирилган. Нусха Султон Абдулҳамидхон ибн Султон Аҳмадхон томонидан вақф қилинган [2.47].

16. Сулаймония кутубхонасида №31 рақам остида сақланаётган Ҳамидия нусхаси. Нусха 713 варақдан иборат. У 1164 ҳижрий йил Зулҳижжа ойида (1754 йил, октябрь), Кўчўк Ғолибзода Асим номи билан машхур каттахўжалик Исмоил ибн Абдурахмон томонидан кўчирилган. Қўлёзма Султон Абдулҳамидхон I томонидан вақф қилинган.

17. Сулаймония кутубхонасидаги №53 рақамли Шаҳид Али Пошо нусхаси. Қўлёзма 477 варақни ташкил қилади. Ундан “Шарҳ”, “Тин”, “Алақ” суралари ва “Қадр” сураси аввалидан 3 оят тушиб қолган. 1116 ҳижрий йилда (1704 йил) Истанбулда Мустафо ибн Иброҳим томонидан кўчирилган.

18. Сулаймония кутубхонасида №100 рақам остида сақланаётган Лалели нусхаси. Бу 958 варақдан иборат тўлиқ нусхадир. Кўчирилиш санаси ва котиби ҳақида маълумот берилмаган. 1271 ҳижрий йилда (1854 йил) вақф қилинган.

19. Отиф Афанди фондидаги №76 рақамли қўлёзма. Бу икки жилдли нусханинг биринчи жилди бўлиб, 456 варақдан иборат. Нусха “Тафсир ва таъвил орасидаги фарқ” мавзусидан бошланиб “Марям” сурасининг охирига бориб тугайди.

20. Отиф Афанди фондидаги №77 рақамли қўлёзма. Бу №76 рақамли нусхасининг давоми, яъни иккинчи жилдидир. Нусха 436 варақдан иборат. Унда “Тоҳа” сурасидан Қуръони каримнинг охиригача бўлган суралар тафсири қамраб олинган. Ҳар икки нусха 1150-1156 ҳижрий йиллар (1737-1743 йиллар) орасида, котиб Шайх Аҳмад Ҳусайн ад-Дин томонидан кўчирилган [2.50].

21. Сулаймония кутубхонасидаги №22 рақамли Ҳолиит Афанди нусхаси. 984 варақли мазкур қўлёзманинг биринчи бетида Имом Мотуридий ҳақида маълумотларни ўқиш мумкин. Нусха тўлиқ бўлиб, Қуръони каримнинг барча суралари таъвилини ўз ичига олган. “Ёсин” сурасигача бўлган хошиясида “Шарҳу таъвилот ал-Қуръон” асаридан иқтибослар келтирилган. Котиб ва кўчирилиш санаси мавжуд эмас [2.48].

22. Сулаймония кутубхонасида №8 рақам остида сақланаётган Меҳршоҳ нусхаси. Қўлёзма 930 варақдан иборат тўлиқ нусхадир. Бу 1168 ҳижрий йилда (1754 йил) Мустафо ибн Муҳаммад ибн Аҳмад томонидан кўчирилган.

23. Рашид Афанди (Қайсари) фондидаги №47 рақамли қўлёзма. Нусха “Таъвил ва тафсир орасидаги фарқ” мавзусидан бошланиб, “Нас” сураси

таъвилига бориб тугайди. Яъни бу 667 варақли тўлиқ нусха. Тахминан XVIII асрда кўчирилган. Котиб ва кўчирилиш санаси маълум эмас.

24. Юсуф Оға (Куния) фондидаги №47 рақамли қўлёзма. Нусха 477 варақдан иборат, 1165 ҳижрий йилда (1751 йил) Муҳаммад ибн Мустафо Оққармоний томонидан кўчирилган. “Тафсир ва таъвил” орасидаги фарқ мавзусидан “Нос” сурасигача бўлган суралар тафсирини ўз ичига олади. “Анъом” сурасининг 2-ояти тафсиридан маълум қисмлари тушиб қолган.

25. Нажиб Пошо (Тира Измир) фондидаги рақамсиз, 644 варақдан иборат тўлиқ нусха. 1165 ҳижрий санада Мустафо ибн Муҳаммад ибн Аҳмад томонидан кўчирилган.

26. Ҳожи Салим Оға кутубхонасидаги №40 рақамли қўлёзма. Бу 910 варақли тўлиқ нусхадир. Ҳошиясида қисқа шарҳлар ёзилган. Кўчирилиш санаси ва котиби ҳақида қайдлар мавжуд эмас. Унинг ҳижрий 12 асрда кўчирилгани тахмин қилинади.

27. Ҳожи Салим Оға кутубхонасидаги №140 рақамли қўлёзма. Бу 477 варақли тўлиқ нусхадир. Қўлёзманинг кўчирилиш санаси ва котиби ёзилмаган. Тахминан ҳижрий 12 асрда кўчирилган бўлиши мумкин [2.53].

Туркиядаги тўлиқ бўлмаган нусхалар.

Сулаймония кутубхонасидаги №5 рақамли Қорачалабийзода нусхаси. 168 варақдан иборат нусхада “Каҳф” сурасидан бошлаб, “Ёсин” сурасининг 80-оятигача бўлган қисми сақланиб қолган. Котиб ва кўчирилиш тарихи йўқ.

28. Сулаймония кутубхонасидаги №47 рақамли Жоруллоҳ нусхаси. 286 варақли нусха “Каҳф” сурасидан “Ёсин” сурасининг охиригача бўлган суралар таъвилини қамраб олган. 652 ҳижрий йилда (1254 йил) Абу Исҳоқ Иброҳим Дамғиний томонидан кўчирилган. Ҳошиясида Алоуддин Самарқандийнинг шарҳидан парчалар ёзилган.

29. Сулаймония кутубхонасидаги №48 рақамли Жоруллоҳ нусхаси. Қўлёзма 270 варақдан иборат. Унда “Саба” сурасидан “Фатҳ” сурасининг охиригача бўлган суралар таъвили мавжуд. Уни Салоҳ Ҳожж Умар 818 ҳижрий йилда (1425 йил) кўчирган.

30. Сулаймония кутубхонасидаги №49 рақамли Жоруллоҳ нусхаси. 296 варақли нусхада “Юсуф” сурасининг 52 оятидан бошлаб, “Каҳф” сурасининг 16 оятигача бўлган суралар таъвили сақланиб қолган. Қўлёзманинг котиби ва кўчирилиш санаси ҳақида маълумот берилмаган.

31. Тўпқопи сарой кутубхонасидаги №28/1 рақамли “Аҳмад III” қўлёзмаси. 283 варақли нусхада “Ҳаж” сурасидан “Аҳзоб” сурасининг охиригача бўлган суралар тафсири мавжуд. Котиб ва кўчирилиш санаси кўрсатилмаган. Ичидаги айрим қайдлар унинг 818 ҳижрий йилда мулк қилинганини билдиради. Шунга

биноан унинг кўчирилиши ҳижрий 9 аср аввалида амалга оширилган деган хулосага келиш мумкин.

32. Тўпқопи сарой кутубхонасидаги №28/2 рақамли “Аҳмад III” қўлёзмаси. 328 варақдан иборат нусхада “Нисо” сурасидан “Анъом” сурасининг охирагача бўлган суралар тафсирини кўрамаиз. Қўлёзманинг котиби ва кўчирилиш санаси ҳақида қайдлар келтирилмаган. Нусханинг 818 йилда мулк қилиб олинганига қараб, ҳижрий 9 аср аввалида кўчирилган дейиш мумкин бўлади [2.52].

33. Кўпрули кутубхонасининг Фозил Аҳмад Пошо бўлимида сақланаётган №47 рақамли қўлёзма. Нусха икки қисмдан иборат. Биринчи қисм “Фотиҳа” сурасидан бошланиб, “Исро” сураси охиригача бўлган суралар таъвилини қамраб олган. Ҳажми 264 варақдан иборат. Истанбуллик Абдулқодир ибн Абдурахмон Данушри томонидан 997 ҳижрий йилда (1589 йил) кўчирилган.

Иккинчи қисмда “Анъом” сурасидан “Исро” сурасининг охиригача бўлган суралар таъвили мавжуд. Бу қисм аввалидан 30 қаторлар атрофида тушиб қолган бўлишининг эҳтимоли бор. Умумий ҳажми 518 варақдан иборат. Нусха Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Юсуф Холидий аш-Шофадий томонидан кўчирилган. Бироқ кўчирилиш санаси кўрсатилмаган [2.49].

34. Кўпрули кутубхонасининг Фозил Аҳмад Пошо бўлимида сақланаётган №48 рақамли қўлёзма. “Аъроф” сурасидан бошланиб “Раъд” сураси таъвили билан тугайдиган ушбу нусха 305 варақдан иборат [5.49]. Котиби ва кўчирилиш тарихи ҳақида маълумот берилмаган.

Ислом оламидаги қўлёзмалар

35. Сурия пойтахти Дамашқнинг “Ал-Асад” халқ кутубхонасидаги №395 рақамли “Зоҳирийя” нусхаси. 661 варақдан иборат ушбу тўлиқ нусханинг котиби ва кўчирилиш санаси кўрсатилмаган [4.17].

36. Миср пойтахти Қоҳирадаги “Дор ал-кутуб ал-Мисрия”да №6 [1.342] рақамда сақланаётган нусха. 656 варақли бу қўлёзма Мустафо ибн Муҳаммад ибн Аҳмад томонидан 1165 ҳижрий йилда кўчирилган.

37. Қоҳирадаги “Дор ал-кутуб ал-Мисрия” фондида сақланаётган яна бир нусха. Бу қўлёзма Туркиядаги Кўпрули кутубхонасининг Фозил Аҳмад Пошо бўлимида сақланаётган №48 рақамли қўлёзмадан кўчирилган факсимиленинг охирига қўшиб муқоваланган. Қўлёзма “Мунофиқун” сурасининг 3-оятдан бошланиб, Қуръони каримнинг охиригача бўлган суралар таъвилини ўз ичига олади. Саҳифалар адади 256 варақ [1.343].

Европадаги қўлёзмалар

38. Берлиндаги Тубинген фондида сақланаётган №4156 рақамли “Берлин” нусхаси. Қўлёзма 565 варақдан иборат. “Таъвил ва тафсир орасидаги фарқ” мавзусидан бошланиб “Нос” сурасигача барча сураларни қамраб олган. “Аъном”

сурасининг иккинчи ояти тафсиридан бир қисми тушиб қолган. Қўлёзманинг котиби ва кўчирилиш санаси кўрсатилмаган.

39. Лондоннинг Британия музейидаги №9436 рақамли қўлёзма. 211 варақдан иборат нусха “Оли Имрон” сураси тафсирини ўз ичига олади. Тадқиқотчилар бу нусхани 665 ҳижрий йилда (1266 йил) кўчирилганини айтиб ўтган [6].

Мазкур қўлёзмаларнинг кўчирилиш санасига эътибор қаратсак, уларнинг ичида энг қадимийси ЎзР ФА ШИда № 5126 рақам билан сақланаётган нусхадир. 529 ҳижрий йилга (1134-35 йил) тегишли ушбу нусха Имом Мотуридий вафотидан икки аср ўтиб кўчирилган. Қадимийлик бўйича иккинчи ўринда 652 ҳижрий йилда (1254 йил) кўчирилган Туркиядаги Сулаймония кутубхонасида №47 рақам остида сақланаётган Жоруллоҳ нусхаси туради. Лондоннинг Британия музейидаги №9436 рақамли қўлёзма эса қадимий нусхаларнинг учинчиси ҳисобланади. У 665 йижрий йилда (1266 йил) кўчирилган. Қолган нусхалар эса ҳижрий 700 йилдан 1200 йиллар оралиғида ёзилган.

Ҳозирда қўлимизда бор манбаларга таянган ҳолда “Таъвилот ал-Қуръон” асарининг 40та қўлёзма нусхаси бор деган хулосага келамиз. Уларнинг ичида 19таси тўлиқ нусхадир. Айримларида баъзи оятлар, баъзи кичик суралар таъвили тушиб қолгани уларнинг тўлиқлик даражасига таъсир кўрсатмайди. Чунки бу кемтик бошқа нусхалар асосида ёпилиб кетади.

Ушбу ададдаги қўлёзмалар улар асосида чиқарилган замонавий мантларнинг ишончлилигини таъминлайди. Яъни “Таъвилот ал-Қуръон” асари Имом Мотуридийнинг давридаги ҳолатдан ўзгариб кетган деган хавотир асоссиздир. Негаки турли даврларда ёзилган 40та қўлёзма бир-бирини қўллаб-қувватлаб, бундай хавотирга йўл бермайди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, келгусида қўлёзмалар сони янада кўпайиши ҳам мумкин. Чунки, юртимиздаги фондлар ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган, у ерда сақланаётган қўлёзмалар ҳақидаги маълумотлар очикланмаган. Йиллар ўтиб, янада қадимий қўлёзмаларнинг юзага чиқиши “Таъвилот ал-Қуръон” асарини чуқурроқ ўрганиш имкониятини яратади.

Адабиётлар рўйхати / Список литературы / References:

1. Имом Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. Фотима Юсуф Хоймий таҳқиқи остида. – Ливан: Байрут, Рисола нашриёти, 2005. Ж.: 1.
2. Имом Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. Бакир Тўпол ўғли ва Аҳмад Вонли ўғли таҳқиқи остида. –Истанбул, Мизон, 2005. Ж.: 1.
3. Алоуддин Самарқандий. Шурху таъвилот ал-Қуръон. Қўлёзма. Туркиядаги “Сулаймония” кутубхонасида №176-рақам остида сақланади.

4. Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг “Китоб ат-таъвилот” асари. – Т.: “Фан” нашриёти, 2009.
5. Имом Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. Д-р Маждий Босаллум таҳқиқи остида – Ливан: Байрут, Дору-л-кутубил илмия, 2005. Ж.: 1.
6. Sezgin F. GAS, I, 605.
7. Имом Мотуридий. Тавҳид / Д-р Бакир Тўпол ўғли ва д-р Муҳаммад Оруший таҳқиқи остида / – Туркия: Истанбул, Иршод нашриёти, 2000.
8. Prof. d-r Bekir Topalog’lu. Te’vilatul Kur’an tercumasi. –Istanbul: Ensar, 2015.